

ТИЛШУНОСЛИҚДА ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Б.Кулдашова

БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси (PhD)

Annotation: This article analyses terminology, origin of terminology and its features, place of this branch in linguistics. Besides there is shown some scholars' theoretical views on this theme.

Key words: term, terminology, conceptual, translation, publication, dictionary, branch, neologism.

Маълумки, инсон маънавиятининг энг буюк маҳсули ҳисобланган тил нафақат маълум бир фикрни ифода этувчи восита ҳисобланади, балки жамиятда юз бераётган барча ўзгаришлар тилда ўз аксини топади.

Тилшунослик тил ҳақидаги, унинг ижтимоий табиати, вазифаси, ички тузилиши, таснифи, муайян тилларнинг амал қилиш қонунлари, тарихий тараққиёти ҳақидаги фанлиги маълум бўлиб, мақсади, вазифаси ва шу кабиларга кўра, унинг умумий тилшунослик, структуравий тилшунослик, қиёсий-тарихий тилшунослик, лингвомаданият-шунослик, нейролингвистика, паралингвистика, этнолингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, менталингвистика, когнитив лингвистика, интерлингвистика (бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш) каби бир нечта соҳалар шахсининг жамиятдаги фаолияти билан алоқадор тил хусусиятларини ўрганеди.

Дунёда илм-фан, илм-маърифат, техника ва технология тараққий этиб борар экан, янги ғоялар, янги қарашлар, янги терминлар пайдо бўлиб бораверади. Тилшуносликда янги терминларнинг кириб келиши эса янги имкониятларни очади, лексикология ва терминологияни бойиши ҳамда ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, ўзига хос қийинчиликларни ҳам пайдо қилишини инкор этиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда тилшуносликдаги терминология соҳасининг тараққий этиб боришини, янги сўз яшаш, сўзларга янги маънолар юклаш, баъзи бир категорияларнинг лексикалашуви, сўз бирикмасининг семантик бир бутун ҳолга келиб қолиши, шунингдек, бошқа турли тиллардан сўз олиш ва сўз яшаш сабабли рўй бермоқда ҳамда тилшуносликнинг лексик катламини ҳосил қилувчи термин ва терминологиянинг лингвистик аспектларидан терминшунослик кўплаб тадқиқотчиларни диққат марказида турибди.

Терминология соҳасидаги жумбоқларни ечимини топиш долзарблиги кенг бўлиб, ҳаёт билан ҳамоҳанг юради. Қолаверса, “тилшуносликда терминологик масалаларга оид кўпгина тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, мазкур масала



ўзининг етарлича тасдиғини топган, деёлмаймиз. Жуда кўплаб ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳалигача мавжуд. Айниқса, терминнинг семантикасига оид масалалар жиддий тадқиқ этилиши лозим”[3, 14].

Тилшуносликда термин ва терминология, терминшунослик соҳасида олиб борилаётган қатор тадқиқотлар бўлсада, термин ҳақидаги таъриф, айниқса, терминологиянинг тарихий илдизлари, шаклланиши, маданий-тарихий ривожланиши ва тараққиёт босқичлари, термин тушунчаси ҳамда унга доир муаммолар, терминларнинг миллий ўзига хослиги, шунингдек, уларнинг композицион жиҳатлари каби масалалар юзасидаги тадқиқотларнинг кун тартибига қўйилиши амалга оширилган тадқиқотларни ҳар жиҳатдан пухта ва холис баҳолашга имкон беради.

Термин (лот. terminus – чек, чегара) – илм-фан, техниканинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмасидир [12, 73]. Термин – илм-фанда, техникада, санъатда қўлланиладиган бирор бир тушунчани аниқ англатадиган сўз ёки сўз бирикмасидир, умумодабий сўзлардан фарқли ўлароқ терминларга экспрессивлик ва кўпмаънолилиқ хос эмас [7, 486].

Маълумотларга таяниб “терминология” сўзи лотинча terminus ва грекча logos сўзларидан ташкил топган бўлиб, “терминлар ҳақидаги фан” маъносини англатади, деб айтиш ўринлидир.

А.Д. Хаютин инглиз тилининг этимологик луғатига асосланиб мазкур сўз илк бор немис олими С.Шютз (С.G. Shutz) томонидан 1786 йилда қўлланилганини таъкидлайди. Унинг аниқлашича, мазкур сўз инглиз, француз тилларида XVIII аср охирларидан, рус тилида эса XIX аср бошларидан истеъмолга кирган [4,10].

Термин аниқ, бир маъноли, экспрессив хусусиятларидан холи бўлиб, ўз навбатида, ўз терминологик соҳа майдонида аниқ, аммо ушбу майдонидан чиқиши билан, ўз асосий хусусиятларини йўкотадиган сўз ёки сўз бирикмасидир. Терминнинг ясалиши ўзлашган сўзларнинг сўз ясалиш усулларини қамраган ҳолда, миллий тил қуролларининг қўлланилиши билан юз беради. Термин умумхалқ лексикасига ўтиши ёки аксинча умумхалқ лексикасидан терминга, шунингдек, бошқа термин тизимига (теминосистемага) ҳам ўтиши мумкин [8, 8].

Маълум бир тилда бир мавзу доирасига мансуб бўлган махсус сўзлар тўпланганида терминология ҳосил бўлади.

О.С.Ахманова “ ... лингвистик терминология бошқа ҳар қандай терминология каби терминларнинг оддий мажмуи эмас, балки ўзига хос семиологик тизим” эканлигини таъкидлайди [1, 509].



Машхур рус олими А.А.Реформатскийнинг фикрича, терминологик тадқиқотларда терминларнинг асосий лисоний белгилари хусусида икки хил қараш мавжуд: биринчи навбатда, терминларнинг номинативлиги, иккинчидан, унинг тушунча билан боғлиқ бўлади [5, 47]. Олим термин ва унинг моҳияти нима, масаласи ечимига изоҳ берганда номинация ва унга яқин тушунчалар позицияси томонидан қарайди [6, 106].

Ф.А.Циткина “термин – бу махсус ёки касб ҳунарга оид билим соҳасига тегишли илмий тушунчани репрезентация қилиб берувчи тил белгиси ҳисобланади”, деб таъриф беради [11, 10].

Термин сўзи ўрнида гоҳида атама сўзини ишлатиш ҳоллари кузатилади. Аммо бу тўғри эмасдек туюлади. Чунки атама термин сўзига нисбатан тор тушунчани ифодалаши бизга маълумдир.

С.Д. Шелов терминларни фан соҳаларига кўра бўлиб, турли билим соҳаларига оид терминлар – кенг кўламда мазмун касб этадиган терминология эканлигини асолайди. Терминнинг фақатгина муайян бир билимлар соҳа терминологияси баъзи умумий муҳитнинг ажралмас қисми эканлигини ва у ерга бошқа билимлар соҳалари, мураккаб жамлик каби, ўзининг терминологияси билан кириши мумкинлигини ҳамда узлуксиз алоқада бўлиши натижасида уларнинг компонентларининг кесишишига ёки тўқнашувига сабаб бўлади деган ўзининг бир неча фикрини айтади [9, 795-799].

Академик В.В.Виноградовнинг таъкидлашича, терминология соҳасида тилнинг таракқиётида, унинг лексик тизимида халқнинг моддий ва руҳий маданияти билан боғлиқлик яққол кўзга ташланади [2, 6].

Терминологияга бағишланган ишларнинг барчасида у ёки бу соҳанинг муайян тушунчаларини англатадиган, таърифга эга бўлган ва, айниқса, номинатив вазифасини бажарадиган бирликлар термин ҳисобланади, деб қаралади.

Маълум бир тилда бир мавзу доирасига мансуб бўлган махсус сўзлар тўпланганида терминология ҳосил бўлади.

Ф. де Соссюр сўз ва терминни қиёслашда терминнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

1. Маънонинг алоҳида предмет ёки ҳодисага эмас, предметлар ёки ҳодисалар синфи ёхуд турига алоқадорлиги;
2. Маиший тушунчалар ёки умумий тасаввурларга эмас балки, илмий ёки техник тушунчаларга алоқадорлиги;
3. Терминнинг қатъий белгиланган терминлар тизими доирасида амалда бўлиши яъни терминнинг доим терминлар тизимининг бир бўлаги бўлиши;



4. Борлиқдан ўта мавхумлашиши, ҳаттоки ундан буткул узилишгача бориши;

5. Терминнинг муайян билимларни ва таълимни талаб қилувчи маълум касбий фаолият билан боғлиқлиги.

Санаб ўтилган фарқлар тилшунослар томонидан аниқланган [10, 285].

Компютер лингвистикасини тадқиқ этган олим Маршюк “терминология” сўзи кўп маъноли бўлиб, у терминларни ўрганадиган фан бўлиши билан бирга, маълум бир соҳа терминларининг мажмуи тўғрисидаги ҳам фандир. Аммо термин ва терминларни ўрганадиган фан деган таърифга кўпроқ “терминшунослик” сўзи ҳам мос келишини, “терминография” эса лексикографиянинг бир қисми бўлиб, терминшунослик билан узвий боғланган ҳолда терминологик луғатлар тузиш тўғрисидаги фан деб тарифлайди.

Дарҳақиқат, терминология – терминлар ҳақидаги таълимот ва терминлар мажмуи, лингвистиканинг кенг қамровли муҳим соҳасидир.

Илм, фан ва техника тараққиёти жадаллик билан ривожланиб борар экан, нафақат тилшуносликнинг лексик қатламини бойитади, балки нутқда қўлланилаётган қатор лисоний бирликларни ўзида жамлаб кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахманова О.С. Терминология лингвистическая. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С. 509.

2. Виноградов В.В. Вступительное слово. Вопросы терминологии. – М.: Наука, 1961. –С. 6.

3. Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Дисс.филол.фан.ном. Т., 2011. –Б.14.

4. Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009. – 10 б.

5. Реформатский А.А. Что такое термин и терминология? Вопросы терминологии. – М., 1961. - С. 47. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: ЎзМЭ, 2008. – Б. 73.

6. Reformatskiy A.A. Termin, kak chlen leksicheskoy sistemq yazyka. Problemy strukturnoy lingvistiki. М., 1968. – S. 103–106.

7. Розенталь Д.Э. и Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М., 1976. – 486 с.

8. Felber H. Terminological work and standardization of terminology. – Paris, 1974. P.1. 8.

9. Shelov Sh.D. Eo‘yo raz ob orpedeleniya ponyatiya “termin”. Vestnik Nijnegorodskogo universiteta. 2010. №4 (2). S. 795-799



10. Соссюр Ф.Де. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – 285 с.
11. Циткина Ф.А. Терминология и перевод: К основам сопоставительного терминоведения. – Львов, 1988. – 10 с.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: ЎЗМЭ, 2008. –Б. 73.
13. Juraeva Malokhat Mukhammadovna Theoretical Views of Concept, Frame, Tale-Concept, Tale-Frame in Cognitive Linguistics. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3, 2019.–P.392-395. <https://www.ijeat.org/wpcontent/uploads/papers/v8i5S3/E10840785S319.pdf>;
14. Juraeva Malokhat Mukhammadovna Category of modality: research and interpretation. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Volume: 86/6. 2020. – P. 149-154. <http://www.t-science.org/arxivDOI/2020/06-86/PDF/06-86-29.pdf>;
15. Hojiyeva G.S. Linguvoculary Properties Of Art Terms (On The Example Of French And Uzbek Languages). International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT). ISSN: 2509-0119. Vol. 25 No. 1. February 2021, pp. 09-15. <http://ijpsat.es/index.php/ijpsat/article/view/2746>
16. Gulchehra Hojiyeva. National Identity And Linguistical Analysis Of Translation Of Art Terms In Uzbek Language. Journal of Contemporary Issues in Business and Government. P-ISSN: 2204-1990. Vol. 27, No. 2, 2021. Pages 1651-1660. https://cibgp.com/pdf_9597_1a767661e994277ad507b83995037dbd.html
17. Hojiyeva G.S., "San'at" Termining Fransuz Va O'zbek Tili Lug'atlari Asosida Lingvo-Madaniy Tahlili. Qiyosiy Adabiyotshunoslik, Chog'ishtirma Tilshunoslik Va Tarjimashunoslik: Muammo, Yechim Va Istiqbollar. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman. Buxoro, 2021. –B.62-68. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:Tyk-4Ss8FVUC
18. Hojiyeva G.S., San'at Terminlari Tarjimasining Lingvo-Madaniy Xususiyatlari (fransuz va o'zbek tillari misolida). "O'zbekistonning Mustaqillik Davridagi Yangi Tarixi Va Falsafiy Tafakkurining Dolzarb Muammolari" respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari Samarqand, 2020 yil. – B.433-436. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:zYLM7Y9cAGgC
19. Hojiyeva G.S., San'at Va Musiqa Terminlari Tarjimasida Milliy O 'Ziga Xoslik Va Lingvistik Tahlil (O 'zbek Va Fransuz Tili Materiallari Misolida). O'zbek Tilida Xoreografik Terminlarning Shakllanishi: Bugungi Holati Va Taraqqiyot Bosqichlari.Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari Toshkent, 2021. –B.69-74.



https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:IjCSPb-OGe4C

20. Hojiyeva G.S., san'at, Xususan, Musiqaga Oid Terminlarning Leksik-Semantik Hamda Milliy-Madaniy Tahlili (fransuz va o'zbek tillari misolida). O'zbek Tilida Xoreografik Terminlarning Shakllanishi: Bugungi Holati Va Taraqqiyot Bosqichlari. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari Toshkent, 2021. –B.60-69.

https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:2osOgNQ5qMEC

21. Jo'rayeva M.M., Hojiyeva G.S., O'zbekcha-fransuzcha fransuzcha-o'zbekcha lug'at (dictionnaire ouzbek-français français-ouzbek). Musiqa va san'at sohasiga oid ikki tilli lug'at. Buxoro, 2019.

https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:u-x6o8ySG0sC

22. Khaitova G.B., Lexical-Semantic Analysis of the Terminological System of Agriculture and Water Management. Pindus Journal Of Culture, Literature, and ELT ISSN: 2792 – 1883 Vol 2 No. 2.

<https://literature.academicjournal.io/index.php/literature/article/view/241>

23. Kuldasheva N.B. Theoretical View Points Of Linguists On Terminology. SoI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P. <http://T-Science.org>;

24. Кулдашова Н.Б. Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари. PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Б., 2020. –Б. 1-148.

25. Kuldasheva N.B. Lexic-semantic Features of Sport Terms. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3 2019. – P. 376-378.

26. Kuldasheva N.B., Kuldashev A. Some different difficulties in sports exercises. SoI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>;

27. Hojiyeva G.S., O'zbek Tilidagi San'at Terminlari Tarjimasida Milliy O'ziga Xoslik Va Lingvistik Tahlil. "O'zbekistonning Mustaqillik Davridagi Yangi Tarixi Va Falsafiy Tafakkurining Dolzarb Muammolari" respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari SAMARQAND, 2020 yil. – B.430-433.

https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LFhC4PMAAAAJ&citation_for_view=LFhC4PMAAAAJ:qjMakFHDy7sC



28. Jurayeva Maksuda Mukhammadovna “Media Relations In French Discourse” Middle European Scientific Bulletin Issn 2694-9970 Volume 12 MAY 2021.

29. Murtozaev SH.B. Oh the Manuscript of “Avariful-maarif” (Those People Recognizing Enlightenment) of Shakhabuddin Umar Sukhravardi. International Journal on Integrated Education. – T. 2. – №. 5. – P. 166-169. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJIE/article/view/198>

30. Hojiyeva Gulchehra Salimovna. (2022). In the Translation of Language Units of Art Lexico-Semantic Properties (on the Example of French and Uzbek). Indonesian Journal of Innovation Studies, 18. <https://doi.org/10.21070/ijins.v18i.612>
<https://ijins.umsida.ac.id/index.php/ijins/article/view/612>

